



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 27 июль, № 146 (5313)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун меҳр-шафқат, саховат ва мурувват, қаноат ва шукроналик рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос бўлган эзгу фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2011 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 1 август кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва урф-одатларимизга мос равишда ўтказиш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муқаддас Рамазон ойининг моҳиятида мукассам бўлган инсонийлик, яхшилик, маънавий поклик фазилатларини эъозлаш, юртимизда дину диёнатиимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, азиз-авлиёларимиз, буюк алломаларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш борасидаги кенг кўламли ишларимизни тарғиб этиш, азал-азалдан ушбу муборак ойда амалга ошириб келинадиган ёрдам ва қўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 26 июль

ФИДОЙИ МЕҲНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Президентимизнинг Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табригини ҳалол ва машаққатли меҳнатимизга берилган муносиб баҳо сифатида қабул қилдик. Табрикда фермер хўжалигимиз номи ҳам энг юқори ҳосилдорликка эришган меҳнат жамоалари қаторида тилга олинган барчамизга гурур ва ифтихор бағишлади.

Дарҳақиқат, бу йилгидек мураккаб иқлим шароитида мўл ҳосил етиштириш ўзидан бўлгани йўқ, Бултур кузда ва бу йилги баҳорда ёғингарчилик жуда кам бўлди. Бундай шароитда галла ниҳолларини бир текисда ундириб олиш қанчалар машаққатлигини ўзини-ўзи тасаввур қилверинг. Тупроқда намлик даражасининг пастлиги, ҳаво ҳароратининг баландлиги ишмиизни янада мушкуллаштирди. Шундай мураккаб паллада ишни оқилона ташкил этиш орқали экинни асраб қолиш ва мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини юракдан ҳис этиб ишладик. Хусусан, сувдан оқилона фойдаланишга эътибор кучайтирилди. Сувчилар сонини кўпайтирилиб, уларга қулай иш ва дам

Дил сўзи

олиш шароитлари яратилди. Экинни "шарбат" усулида олиб-аётга қондирдик. Айниқса, тунги суғориш самараси катта бўлди. Натижада галла ниҳоллари чуқур илдиз отиб, бир текис ривожланди. Қишлоқ хўжалиги зараркунандалари тасирига чидамли бўлиб ўсди. Оғир синовдан ёруғ юз билан чиқишимизда азалий тажриба ва омилкорликдан ташқари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли уруғлик етказиб бериш, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти яхши йўлга қўйилгани ҳам жуда асқотди. Бунинг учун давлатимиздан, фермерларга хиз-

мат кўрсатувчи ташкилотлардан миннатдоримиз.

Мен эринмай ҳисоблаб чиқдим: бундан етти йил аввал шу экин майдонларидан ўртача қирқ центнердан дон етиштирган эдик. Жорий йилга келиб, бу кўрсаткич икки бараварга кўпайди. Давлатга 158,5 тонна бугдой сотдик. Шартнома режасидадан ортган салкам юз тонна дон ўз ичтиёримизда қолди. Бу ҳам, табрикда алоҳида таъкидланганидек, мулкка эгалик ҳисси кучайиб, меҳнатдан тобора кўпроқ баҳраманд бўлиш натижасидир.

Шукр, юртимиз тинч, ҳаётимиз осоийшта. Омборларимиз донга тўлди. Эл-юрт रिки бутун бўлди. Ҳалол меҳнатнинг роҳатини кўраямиз. Ўз донимиз, беминнат номимиз бор. Бундан ҳар қанча гурурлансак, арзийди.

Камол ЁДГОРОВ,
Ғижувон туманидаги
«Мержона Файз»
фермер хўжалиги
раҳбари.

Тадбир

Ўзбекистон Маданияти ва санъати кўргазмаси залида «Мустақил юртининг тадбиркор ва ишбилармон аёли» мавзусида кўргазма бўлиб ўтди.

ҚАТЪИЯТ, ТАШАББУСКОРЛИК – БОШ МЕЗОН

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур кўргазма Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, республика Хотин-кизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар «Тадбиркор ва ишбилармон аёллар» жамоат ишбилармони, қасаначи, хунарманд аёллар томонидан тайёрланган махсулотлар намойиши қилинди.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

ОАВ иқтисодий асосининг қонуний кафолати

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, глобаллашув жараёни тобора кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир мамлакат дунё ҳамжамиятида ўзи эгаллаб турган ўрнини ҳолис ва танқидий баҳолаши, ҳар томонлама чуқур ўрганилган, ижтимоий-иқтисодий асослари пухта ишлаб чиқилган тараққиёт дастури ҳамда уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлиши керак. Шу боис Президенти-

ментимиз ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, уларнинг эркинлиги ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Хасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

ТИББИЁТИМИЗНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ

кардиология соҳасида эришилган натижаларда ҳам намоён бўлмоқда

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги изчил ислохотларнинг юксак самараси бугунги кунда жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, юртимизда эл саломатлиги муҳофазасига қаратилган эзгу ишлар амалга оширилиб, жойларда энг замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилди.

Хусусан, бугунги кунда юртининг кардиология соҳаси ва бу борадаги илмий ютуқларни халққаро талаблар даражасида юксалтиришга катта аҳамият қаратилаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, миллат

Ислохот ва самара

саломатлигини асраш, жумладан, юрак-қон томир хасталиклари туфайли юз бериши мумкин бўлган нохуш вазиятларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизда 2002 йилдагига нисбатан

юрак хасталиклари оқибатида содир бўладиган ўлим ҳолатлари уч баробарга камайди. Бу, шубҳасиз, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилишга мажбур Фармонига мувофиқ, республика андозалари даражасидаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари фаолияти йўлга қўйилганлиги натижасидир.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-ама-

(Давоми 2-бетда).

ТАБИАТ ТАЖОВУЗНИ КЕЧИРМАЙДИ

Бугунги кунда матбуотда Роғун ГЭСи курилиши оқибатида юз бериши мумкин бўлган ҳалокат ҳақида кўп гапириляпти. Хусусан, "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида"ги мақола менга қаттиқ таъсир қилди. Унда хавотирларимга аниқ далил ва исботлар топдим.

Мен фермерман. Тупроқ билан тиллашиб, ундан сўраб, кўнглига қараб, эртаю кеч меҳнат қилиб, тирикчилик юритаман. Кейинги ўн йилликлар, сир эмас, табиат инжиқликлари авж олиб кетгани билан бутун дунёни ташвишга солиб қўяпти. Одамод табиат билан дўст бўлиш ўрнига, унга хўжайин бўлман деб, бир эмас, юзлаб хатоларга йўл қўйди.

Қаранг, Японияда зилзила туфайли атом электр станцияси ишдан чиқди. Ўн минглаб одамлар қурбон бўлди. Неварам, "Чили деган жойда том баравар қор ёғди", деб қолди. Чили деган жойлар, эшитишимча, ўзимизникига ўхшаган жойлар. У ерда ҳам биздагига ўхшаб мева-чева етиштирилади. Тошкентдаги бир йилгидега бу ҳақда эшитганим... Чин кўнглидан у ердаги деҳқонларга ичим ачиди. Қанчадан-қанча ҳосил, қанчадан-қанча чорва нобуд бўлибди, эсиз. Деҳқоннинг дардини деҳқон тушунади.

Илгари кишлоғимиздан нарида нималар бўлаётганини билмасдик. Шукр, истиқлолимиз туфайли, Юртбошимиз яратиб берган кенг имкониятлардан фойдаланиб, Ер юзидаги деҳқонларнинг туриш-турмушидан хабардоримиз. Энг зўрларининг иш тутумини ўрганишга ҳаракат қилаёلمиз.

Ўзи, Орол фожиаси туфайли — онажон даламизни оқ ювиб, оқ тараб, кечани кеча, кундузни кундуз демай юрган пайтимизда, баъзи бир узоқни кўра билмайдиганлар янги дардларини оёғимиз остига ташлашга уринаётганидан фиғонимиз фалакка ўрлади... Боя мен Чилини бекорга мисол қилиб айтмадим. Роғун ГЭСи курилуши табиат биздан юз ўгирса нима бўлади? Ўз чилласида қор ёғмаслигига, қишда бурон кўтаришмаслигига ким кафолат беради. Об-ҳавонинг тенгати чикса, додимизни кимга айтаемиз?! Барака топқурлар, давлатимиз раҳбари

айтиб турибдилар, эртанги куннинг, келажақ авлоднинг хавфсизлигини кафолатлашимиз керак. Биз яхши, баракали об-ҳаво шароитида яшаб ўтсагу болаларимиз хавотирли иқлим даврида яшашса, адолатданми?

Менинг ақл-хушим жойида. Ҳаммадаям тирикчилик бор. Электр энергияси, айниқса, гидро электр дейдими, ўшаниси анча арзон. Аммо сувни тўсиб, ҳамсоғларнинг ҳақини бермай, уни бир жойга саккиз йил тўплаб туриш — соғ одамнинг иши эмас-э!..

Тоғда катта сувни тўплаш ўзини ҳам, ҳамсоғларини ҳам хатарга рубўри қилишдан бошқа нарса эмас. Бир коса сувни олиб сал қимир-қимир кетади. Миллион-миллион куб метр сув салпича — катта ҳалокат юз бериши аниқ. Натижа кундай равшан. Олдин дахшатли қуроқчилик, сўнг иқлим ўзгаради. Чунки табиат тажовузни кечирмайди.

Бунинг мен — "профессор" эмас, ерни силаб-сийпаб, у билан тиллашиб кун қўриб келаётган деҳқон айтаман. Мен ернинг аҳволига қараб, ҳисоб-китоб қиламан. Ҳозирнинг ўзида у хансираб турибди. Роғунни курсанглари, ў, биродарлар, нафаси чикмай қолади. Кейин Худо сиздан қасос олади. Қасосни-ку сиздан олади, жабрига биз ҳам азоб тортаемиз.

Қани эди, бағримни ўпириб тушган бу сўзлар Роғун ГЭСини қураман деб турганларга бориб етса-ю, қўлларидеги кетмонни қўйиб, мулоҳаза қилиб кўрсалар.

Оғайнилар, келинлар, маслаҳатлашиб иш тутайлик, десалар. Қанду шакар бўлади бу иш. Умидим бор. Чунки умидсиз одамнинг кесақдан фарқи йўқ.

Қадам МЕНГЛИЕВ,
Гурлан туманидаги «Қадам Менгли»
фермер хўжалиги раҳбари.
Хоразм вилояти

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқсалар,
янгиликлар,
хабарлар

Янги лойиҳа

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. "Oimaliq Bithim" масъулияти чекланган жамиятида парфюмерия-косметика махсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди.

Бу ерга жамиятнинг ўз маблағидан ташқари, банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. 16 та кўшимча иш ўрни яратилган корхонада ўтган қисқа муддатда 215 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи махсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 30 та корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун турли манбалар ҳисобидан 114,9 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Махсулот ҳажми ортмоқда

НАМАНГАН. Косонсой туманидаги "Қушон зилол сув жаҳоирин" хусусий корхонасида кенг кўламли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилган, ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортди.

Хусусан, бу ерда жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 115 миллион сўмлик 15 турдаги момиқ сочқилар ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 226 фоизга кўпдир.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан шу йилнинг биринчи ярмида 693 миллиард сўмлик махсулот тайёрланди. Уларнинг ялпи ҳудудий махсулотдаги улуши 64,5 фоизга етди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ширинликлар эл дастурхонига

СУРХОНДАРЁ. Шеробод туманидаги "Муниса-Асилбек-Улуғбек" хусусий корхонасида қандолатчилик махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун 55 миллион сўмлик банк кредитидан самарали фойдаланилди. Айни пайтда кўшимча ўнта иш ўрни яратилган корхонада ойига ўртача 15 миллион сўмликка яқин ширинликлар тайёрланиб, худуддаги савдо шохобчаларига чиқарилмоқда.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, юртимизда демократик янгиликлар жараёнида мустақил оммавий ахборот воситалари ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, изолятларнинг ошқоралигини таъминлаш мақсадида изчил ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ахборот соҳаси ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эркин ривожлантириш бўйича демократик талабларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Сўнгги 10 йилнинг ўзига босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайгани ҳам Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жадал ва эркин ривожланиш бораётганлигини тасдиқлаб турибди. Бугунги кунда миллий медиабозорда қарийб 1200 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Мажбурий бачча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ ошқоралигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги иштирокини ошадиради, уларнинг ахборот олиш бўйича ўз конституциявий ҳуқуқини янада тўқиб амалга ошириш учун қарорларни мустақиллаш боради. Чунки мазкур қонун ахборот бозори иштирокчлари фаолиятини самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшим-

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ушбу янги қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб беради, аҳолининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қили-

ОАВ иқтисодий асосининг қонуний кафолати

наётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига дахлдор қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди.

Мамакатимиз ва хориз таъриби шуни кўрсатмоқдаки, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, биринчи навбатда, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ва рақобатни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги ҳамда ўзини ўзи таъминлашга эришиш билан бевосита боғлиқдир. Бунда, алоқат, Концепцияга мувофиқ “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш айни муддаодир. Чунки мазкур қонун ахборот бозори иштирокчлари фаолиятини самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшим-

иқтисодий преференциялар яратилиши, шунингдек, миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган қўллаб-таъминловчи ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда tutади.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари мустақиллигининг кафолати, бу — аввало, уларнинг мод-

дадор рақобати кучаяётган бир шароитда соҳанинг қонунчилик, иқтисодий ва ташкилий механизми янада тақомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Негаки, жаҳон таъриби шуни кўрсатмоқдаки, оммавий ахборот воситаларининг давлат, бизнес ва таъсисчиларга боғлиқлигини камайтириш уларнинг иқтисодий

оммавий ахборот воситаларининг молиявий иқтисодий мустақиллиги медиавизити соҳасида ҳокимият ва тадбиркорлик тузилмалари манфаатлари мувозанатини таъминлашнинг, давлатни ахборот соҳасида ривожлантиришга ёрдам берадиган жамоат телекўрсатувлари ва радиокўрсатувларни лойиҳасини ҳаётга татиқ этишни кўзда тутиши эътиборга молик.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари таърифи билан оммавий ахборот воситаларининг мулкдори (таъсисчиси) ўртасидаги менежмент ва молиявий соҳадаги муносабатларини, ахборот кўришидаги махсулот баҳосини, сотиш бозорларини, маркетинг стратегиясини белгилашдаги ҳуқуқлари, таърифиётининг мустақил иш олиб бориш ваколатлари ва ахборот бозорида рақобатни таъминлашнинг қонуний асосларини яратилиш мақсада мувофиқдир. Шу ўринда ахборот кўришидаги махсулотнинг сифати учун жавобгарлигини ҳам белгилаб қўйиш медиавизити бўлишида рақобатни мустақиллаштириш, уларнинг маъсулиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун жамиятнинг модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустақиллаш, фуқароларнинг сўз ва ташлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини тўқиб қўйишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг ролини, маъсулиятини юксалтиради.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари таърифи билан оммавий ахборот воситаларининг мулкдори (таъсисчиси) ўртасидаги менежмент ва молиявий соҳадаги муносабатларини, ахборот кўришидаги махсулот баҳосини, сотиш бозорларини, маркетинг стратегиясини белгилашдаги ҳуқуқлари, таърифиётининг мустақил иш олиб бориш ваколатлари ва ахборот бозорида рақобатни таъминлашнинг қонуний асосларини яратилиш мақсада мувофиқдир. Шу ўринда ахборот кўришидаги махсулотнинг сифати учун жавобгарлигини ҳам белгилаб қўйиш медиавизити бўлишида рақобатни мустақиллаштириш, уларнинг маъсулиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун жамиятнинг модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустақиллаш, фуқароларнинг сўз ва ташлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини тўқиб қўйишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг ролини, маъсулиятини юксалтиради.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун жамиятнинг модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустақиллаш, фуқароларнинг сўз ва ташлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини тўқиб қўйишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг ролини, маъсулиятини юксалтиради.

П. МАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ҚАТЪИЯТ, ТАШАББУСКОРЛИК – БОШ МЕЗОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Нодавлат но-тихорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А. Қаримов, Тошқент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимова ва бошқалар иштирокчи бўлиб давлат хотин-қизларнинг давлат ва жамият қўрилишидаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, ихти-мойий ҳимоялашга оид ишлар

қўлами тобора кенгаймоқда. Мазкур кўрганасий мақсад кичик бизнес ва тадбиркорлик, оилавий бизнес ва касана-чилик бўйича фаолият юри-таётган аёллар ўзaro таъри-ба алмашиши учун шароит яратилиш, давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳам-корликни кенгайтиришдан иборатдир.

Тадбирда иштирокчи хотин-қизларга тижорат банк-лари, солиқ ва боғжона ҳиз-мат, молия ва иқтисодий соҳасидаги миллий қўмунчи-ликка оид маълумотлар берилди.

Ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлашда ало-ҳида фаолият кўрсатган жа-моат ташкилотлари, тадбир-кор аёлларга диплом ва сов-ғалар топширилди. Кўрганасий очиқлишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, рес-публика Хотин-қизлар кўмита-си раиси Э. Боситқонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Тошлоқ туманидаги «Сталпаст» корхонаси тармоқ жамоалари орасида етакчилардан ҳисобланади. Шу пайтга қадар корхона ҳам ашё ҳамда қўлқоплаш дастгоҳларини валюта эвазига хориздан келтирар ва бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир этарди. Президентимизнинг 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори «Сталпаст» каби саноат корхоналари фаолиятини тубдан ўзгартирди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

ижроси бозорни сифатли ва харидоригр махсулотлар билан тўлдирдида қўл келмоқда

— Ҳозир овоғарчилик-ларга ҳоҳат қолмади, — дейди «Сталпаст» хусусий корхонаси раҳбари Сул-тонбек Собиров. — Хом ашёни «Шўртангазим» мажмуасидан олаёямиз. Қўлқоплаш дастгоҳларини эса буюртмага эваз, Фаргона шаҳридаги «Штамп» корхонаси тайёрлаб бераёпти.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан 193 миллиард сўмлик махсу-лот тайёрланди. Шундан 7,3 миллион АҚШ долларлик махсулот экспорт қилинган, айниқса, қув-нарлидир. Яна бир муҳим жиҳати, 246 та иш ўрни яра-тирди.

Қарор ва ижро

Дарҳақиқат, мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан виллоятдаги 35 та корхонада кенг қўла-м модернизацациялаш юмушлари амалга оши-рилди. Пировавдида бу ерда мотор мойлари, ав-томобиллар учун эҳтиёт қисмлар, суёттирилган газ, цемент, спорт жиҳоз-лари, лок-буёқ сингари 100 турта яқин импорт ўрнини босувчи махсулот-лар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Виллоятда жорий йилда ҳам бу борада кенг қўла-м ишлар олиб борилюмоқ-да. Шу йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида дав-стурга киритилган корхо-налар томонидан салкам 70 миллиард сўмлик мах-сулот тайёрланди. 2 мил-лион АҚШ долларлик махсулот экспортга йўналтирилди.

Ўқоридида далил ва рақамлардан кўришиб турибдики, қарор ижроси доирасида виллоятда қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бу борада ҳали ўзлаштирил-маган имкониятлар кўп. Фарғоналик саноатчилар яратилган шароит ва им-тиёзлардан оқилона фой-даланиб, юртимиз ривож-ида ўз ҳиссасини қўшишда астойдил ҳара-кат қилишига шубҳа йўқ.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Кисқа сатрларда

● ЖИЗЗАХ шахри-да ногирон болалар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб кели-наётган «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танловининг виллоят босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичларда голибликни қўлга киритган 30 нафар ёш рассом ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашди. Якунда голиблар номи аниқланди ҳамда уларга ҳамийлар томонидан тайёрланган эсдалик совғалари топширилди.

● АНДИЖОН тумани-да салкам тўрт кило-метр масофага сув қувур-лари тортилиб, Истиқлол маҳалласидаги юзлаб хо-надонга зилол сув кириб борди. Бунинг учун «Кўхи-нур мадад Ҳамроҳ» масъ-улияти чекланган жамия-ти жамоаси 144 миллион сўмликдан ортиқ қури-лиш-монтаж ишларини амалга оширди.

● УЗУН туманидаги «Жайхун Амур сервис» хусусий корхонасида турли ўлчамдаги ми-хлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 145 миллион сўмлик маб-лағ эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли ояига 15 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш матери-аллари тайёрлаш им-конияти юзга келди.

● ҚИЗИЛТЕПА тумани-лик тадбиркор Меҳрид-дин Яхшиев сарф-хара-кати билан пойабзал мах-сулотлари ишлаб чиқар-ишга ихтисослаштирил-ган янги корхона ташкил этилди. Ҳозир ўн киши меҳнат қилаётган «Қизил-тепа асл пойабзали» кор-хонасида дастлабки 300 жуфт оёқ қийми сотувга чиқарилди.

● СИРДАРЁ тумани-даги «Бегжанов» ма-ҳалласига уч километр-лик қувур тортилиши эвазига газ таъминоти яхшиланди. Шуниси эътиборлики, виллоятда аҳолининг турмушини яхшилаш мақсадида шу йилнинг ўтган да-врида 2,5 мингдан ортиқ хонадонга «зан-гори олов» кириб бор-ди. Бу мақсадлар учун 650 миллион сўм сарфланди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



ТИББИЁТИМИЗНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ

кардиология эришилган натижаларда ҳам намоеён бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда бу ерда 9 та махсус кардиологик бўлим фаолият кўрсатмоқ-да. Ушбу бўлимларда артериал гипертония, ўткир миокард инфарк-ти, юрак-ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги каби хасталиқлар самарали давола-наёпти. Эътиборлики, жорий йилда кунига 250 кишини қабул қилишга мўлжалланган, замонавий қўлайлик-ларга эга бўлган янги маслаҳат поликлиникаси ишга туширилди.

Шифо масканimizда ҳар йили юрак-қон томир касаллиқларига ча-линган етти минг нафарга яқин бе-морлар самарали даволанаёпти. Маслаҳат поликлиникасида эса 30 мингга яқин кишига амбулатор шаро-итида юксак малакали тиббий хизмат кўрсатилаяпти. Энг муҳими, марказда ташхис, даволаш ва тиб-бий маслаҳат борадида долзарб юмушлардан ташқари, кенг миқё-да илмий излашлар ҳам амалга ошириляпти. Масалан, шифо мас-кани қошидаги тиббий генетика ла-бораториясида артериал гипертон-ия касаллигига дучор бўлган бе-морларнинг генетик паспортлари-

ни тузиш бўйича изчил чора-тад-бирлар олиб борилюмоқдаки, бу саъй-ҳаракат халқро миқёсда ҳам юксак эътирофга сазовор бўлди.

Истиқлол шарофати билан яра-тилган имкониятлар туфайли бу ерда маҳаллий хом ашёдан тайёр-ланган дори-дармонларни кенг қўллашга эришилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда юрак-ишемик касал-лигини даволашда мамлакатимиз-да ишлаб чиқарилган, қондаги хо-лестерин моддасини камайтирувчи оливингон, флаперон препаратлари, шунингдек, юрак аритмияларини даволашга хизмат қиладиган акле-зин, акарситин каби дорилардан кенг миқёсда фойдаланилаёпти. Шу ўринда фахрлининг айтсақ арзийди-ки, 2007 йилда Президентимиз Фармонига мувофиқ, марказнинг бир гуруҳ мутахассис ва таджикот-чилари ҳамда Ўзбекистон Респу-бликаси Фанлар академияси қош-ида Усумлик моддасини киёмиси институтининг олимларига янги ан-тиаритмик таъсирга эга бўлган «Ал-лапинин» препаратини яратилиш ва тиббиёт амалиётига татиқ этиш мавзусидаги илмий излашлари учун Ўзбекистон Республикасининг

ган. Қолаверса, бу ерда кардиоми-опатия деб аталган оғир касаллик (у туфайли 70 фоизгача вазиятда ўлим ҳолати содир бўлиши мумкин)- ни илк бор юртимизда ташхислаш ва даволаш ишлари олиб бори-люмоқда.

Марказнинг яна бир асосий ва-зифаси, бу — малакали кадрлар тайёрлашга эътибор масаласидир. Эътироф этиш мумкинки, бу ерда ёш мутахассислар учун кардиоло-гия мактабинини шакллантиришга эришилди. Бу эса илмий юзларни амалиётга татиқ этиш ҳамда кадр-лар билими ва таърибасини оши-ришининг янги сифат босқичига кўтарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, бугун марказ-да фаолият кўрсатаётган 12 нафар фан доктори, 37 нафар фан номзо-ди юртимиз кардиология соҳаси-нинг турли йўналишларидаги энг етакчи мутахассислар ҳисобланади. Улар хориз мамлакатларидаги ну-фузли кардиология марказлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари-ни ўрнатиб, ўзаро таъриб алаш-моқда. Хусусан, Россия Феде-рациясининг кардиология маркази, В. А. Алмазов номидаги Санкт-Пе-

тербург юрак, қон ва эндокриноло-гия маркази, Томск кардиология маркази, Бакулев номидаги юрак-қон томир жароҳлиги маркази каби илмий-амалий тиббиёт масканлари шулар жумласидандир.

Мутахассисларимизнинг изчил илмий излашлари натижасида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб, юрак аритмияларининг му-рақаб турларини бартарф этишда кўркак қафасини очмай туриб, мах-сус катетерлар ёрдамида жароҳлик амалиётини қўллашга муваффақ бўлинди. Жорий йилда фаолият бошлаган Эндоскакуляр жароҳлик бўлими эса универсал ангиографик тизим билан жиҳозланди. Ушбу бўлимда юрак томирларининг торай-ган жойларини аниқлаб, уларни бар-тарф этишда стент (махсус найча) қўйиш, ангиопластика ўтказиш каби услублардан фойдаланилюмоқда. Бун-даги усуллар авваллари фақат хориз-даги айрим жароҳлик марказлари-дагина амалга оширилган бўлса, эндиликда бизнинг марказимизда ҳам беморлар дарддан фориғ бўли-шгапти ва бугун уларнинг бошқа мамлакатларидаги клиникаларга боришларига зарурат қолмади.

Албатта, бу каби ижобий на-тижаларнинг бари истиқлол йиллари-да изчиллик билан олиб бориляёт-ган ишлардан самарасидир. Зеро, юртимизда ўтган йилгига йил ичи-да кардиология хизмати тизимини мукамал шакллантиришга эришил-ди. Ҳозирги кунга қадар маркази-мизнинг Хоразм ва Қашқадарё вил-лоятларида махсус бўлимлари, 10 та виллоятда кардиологик диспан-серлар, шаҳар ва туманларда кар-диология бўлимлари ҳамда шу йўна-лишда тиббий маслаҳат бевуви ҳи-мутахассислар хоналари ташкил эти-либ, барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Хоразм виллояти ва На-мангандаги шифо масканларида кардиожароҳлик бўлимлари фао-лияти йўлга қўйилди. Яқин вақт ичи-да марказнинг ўзида ҳам шундай бўлим ташкил этилиши кўзда тутил-ган. Бу йўналишдаги ишлар самар-адорлигини янада оширишда мар-казимиз мутахассислари фидойилик билан меҳнат қилиб, илмий тад-қиқот ва излашлар олиб бориши-ни мақсад қилганлар. Асосий ния-тимиз, юрак-қон томир хасталиқла-рининг олдини олиш, элимиз сала-матлигини янада мустақамлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Равшанбек ҚҮРБОНОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

Равшанбек ҚҮРБОНОВ, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

гиланган эди, — дейди корхо-нанинг молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Fairат Яхшилик. — Амалда эса бу кўрсаткич 195,1 миллиард сўмликка етказилиб, режа 106,1 фоизга удаланди. Иш-лаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,5

фоизга ўсиб, сотувдан тушган тушум 262,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Корхонада ички бозорга мах-сулот етказиб бериш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга ошири-ляётгани диққатга лойиқ. Хусусан, ўтган олти ойи мобайнида тармоқ-ларара кооперация биржа дои-расида 50,3 миллиард сўмлик махсулот сотилиб, ишлаб чиқар-ишни изчил ривожлантириш мақ-садида 2,7 миллиард сўмлик то-вар-моддий бойликлар харид қилинди. Тез орада умумий қий-мати 2,4 триллион сўмлик 11 ички инвестициявий лойиҳа рўйбга чиқарилса, аммиак ва карбомид, поливинилхлорид, техник кремний

каби махсулотлар ишлаб чиқариш ҳамжи янада ортади. Президентимизнинг 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр мах-сулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида «На-

войазот» да 9 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бу ишлар ҳам тўлиқ нийоҳа-сига етказилиб, цехларда акрил эмульсияси, ацетон, фармакоп тузи, каус-тик сода, калий нит-лятгани диққатга лойиқ. Хусусан, ўтган олти ойи мобайнида тармоқ-ларара кооперация биржа дои-расида 50,3 миллиард сўмлик махсулот сотилиб, ишлаб чиқар-ишни изчил ривожлантириш мақ-садида 2,7 миллиард сўмлик то-вар-моддий бойликлар харид қилинди. Тез орада умумий қий-мати 2,4 триллион сўмлик 11 ички инвестициявий лойиҳа рўйбга чиқарилса, аммиак ва карбомид, поливинилхлорид, техник кремний

раб, ПАА гели, цианли натрий каби импорт ўрнини босувчи мах-сулотлар ишлаб чиқаришга жадал киришилди. Эътиборлики, янги лойиҳалар ижроси йилнинг даст-лабки тўрт ойда корхонада 22621,4 минг АҚШ доллар миқ-доридида маблагни иқтисод қилиш имконини берди. Бугун корхонада 12 минг киши меҳнат қилмоқда. Бу 1991 йил-нинг шу давридагига нисбатан 3 минг нафарга кўпдир.

Навой — мамлакатимизнинг саноати жадал ривожланаётган виллоятларидан ҳисобланади. Бу ердаги йирик корхоналар — Навой кон-металлургия комбинати, «Навойазот», «Қизилқуммет» очик акциядорлик жамиятлари, «Baxt-textile» масъулияти чекланган жамияти ва бошқа ҳужали юритувчи субъектлар томонидан шу йилнинг ўтган беш ойида 4017,8 минг АҚШ долларлик махсулот экспорт қилинган бунинг эркин тасдиғидир.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

Бу ёрлик билан тайёрланаётган махсулотларимиз жаҳон бозорида ўз ўрнини топмоқда.

Бу борада, айниқса, «Навой-азот» акциядорлик жамиятининг алоҳида ўрни ва салоҳияти бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Гап шундаки, бундан 20 йил аввал унинг махсулотлари Қозогистон, Эрон ва Россияга чиқарилган бўлса, бугунги кунда Италия, Болгария, Руминия, Саудия Арабистони, Миср, Покистон, Болтиқбўйи мамлакат-лари, Украина, Беларус, Узар-бийжон, Грузия, Хитой, Туркма-нистон, Хиндистон каби 30 га яқин давлатлар ҳам мазкур жа-миятнинг миҳозлари ҳисобланади. Ўтган йили уларга 271640,44 тонна аммиакли селитра, 6236,9 тонна нитрон толаси, 10606,1 тонна аммоний сульфат, 6384,3

тонна хлор, 1766,8 тонна мета-нол, 104,6 тонна сирка кислота-си, жами 54649,4 минг АҚШ дол-лари миқдоридида махсулот ет-казиб берилди. Бошқача айтган-да, мустақиллик йилларида кор-хонанинг экспорт салоҳияти сал-кам ўттиз бараварга ошди. Бун-дай ижобий кўрсаткичлар Пре-зидентимиз раҳнамолигидеа мам-лакатимизда саноат корхонала-рини модернизация қилиш, тех-ника ва технологик жиҳатдан ян-гилаш орқали янада ривожлан-тиришга алоҳида эътибор қара-тилдиганининг самарасидир, албатта.

— 2011 йилнинг биринчи яр-мида 183,9 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш бел-

воб берадиган 4600 тонна калава йи ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона бош ҳисобчиси Искан-дар Мардоновнинг қайд этишича, 2009 йили хоризга 4332,4 минг АҚШ долларлик махсулот сотил-ган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 11112 минг АҚШ долларини таш-кил қилди. Яъни ишлаб чиқариш режаси 180,4 фоизга удаланди. Буларнинг бари корхона фаоли-ятини янада юксалтириш мақсади-да қўшимча 2007 — 2010 йиллар мобайнида 3 миллион 572 минг АҚШ долларлик, жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 903 минг АҚШ доллар миқдоридеа тўғридан-тўғри хориз инвестиция-лари жалб қилинган, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишла-

рига 666,9 минг АҚШ долларлик инвестиция йўналтирилгани нати-жадир. Пировавдида 35 та иш ўрни яратилиб, жами ишчилар сони 51,5 нафарга етди. Уларнинг кўпчилиги ёшлар эканлиги қув-нарлидир. — Мамлакатимизда ёшларга кенг имкониятлар яратилиб, имтиёзлар берилдигани кўпчилигимизни тоғдек кўтармоқда, — дейди замонавий дастгоҳи компьютер орқали бош-қараётган оператор Шоҳида Наврўзова. — Ўтган йили Навойи информатика ва электрон-саноат касб-хунар коллежини битирдим. Мен ва бир неча дўғоналарим ай-нан шу корхонада ишла

Инсон ҳаётида музиканинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк йилларида ноқ миллий музикамизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Миллий ва халқаро музика фестивалларининг мунтазам ўтказилаётгани, музика санъати вакиллариининг изчил раббатлантирилиши, музика кўлаб-қувватланаётгани ҳам бу борадаги ишлар кўлами нечоғли салмоқли эканлигидан далолат бериб турибди.



РЕГИСТОНДА ЕТТИ ИҚЛИМ НАВОЛАРИ

Таъкидлаш керакики, Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб ҳар икки йилда аъёнана тарзда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали ҳам бу борада муҳим ўрин тутаяди. Ушбу нуфузли музика байрамининг Самарқандда ўтказилишида катта маъно муҳасаммадир. Мамлакатимиз раҳбарининг «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали илк иштирокчиларига йўлаган табригидан таъкидланганидек, Самарқанд жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб, Амир Темур, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳорр Вали, Қозизода Румий, Шарафуддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқа улаб, юзлаб улуг инсонлар турли даврларда шу заминда ашаганлар, иход қилганлар. Шунинг ўзиёқ Самарқанд асарлар оша турли халқ ва маданиятларни туташтирувчи қўрғон вазиёфасини ўтаб келганлигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда ҳам қўнча ва ҳамиса навқорон бу кент ана шу вазиёфасини баҳармоқда. Дунё халқлари миллий куй-қўшиқларини кент тарғиб қилиш, ёш авлодини санъат, хусусан, миллий музикага меҳрли қилиб тарбиялаш ҳамда жа-

ҳон халқлари ўртасида иходий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва маданият алоқалар доирасини кенгайтириш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур халқаро музика фестивали мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Ушбу нуфузли музика байрами дунё халқларининг миллий музика борасида қўлга киритаётган ютуқларини оммалаштириш, Шарқ, хусусан, ўзбек миллий аъёнанавий музика санъати билан дунё халқларини яқиндан таништириш имконини бераётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу борада фестивал доирасида ташкил этилаётган концертлар, иходий урчушулар, анжуман ва танловларнинг ҳам ўрни катта бўлаёттир.

— Мазкур фестивал низомига кўра, унда ҳар бир давлатдан битта гуруҳ ёки яққохон ихрочи қатнашиши мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали дирекцияси ихрочи директори Музаффар Сохибжонов. —

чоғли амал қилаётгани, сахнада ўзларини тутиши, муҳими, уларнинг ихрочилик маҳоратини кўриб, бунга яна бир бора амин бўласан, киши. Масалан, озарбойжонлик Назакет Теймуровани олайлик. У миллий муғом йўллариини шу қадар маҳорат билан ўзлаштирганки, унинг чиқишлари

Буни чеклов деб қарамаслик керак. Аксинча, ҳар бир талабгор учун имкониятлар берилади. Яъни бир давлатдан иштирок этиш истогини билдирган гуруҳ ёки яққохон ихрочилик маҳорати мутахассислар томонидан синчиқлаб ўрганиб чиқилди ва улар орасидан энг муносиблари саралаб олинди. Мисол учун, бу йил Эрон давлатидан зиёд гуруҳ ва ихрочи мурожаат қилди. Улар тақдим этган асарлар мутахассисларимиз томонидан ўрганиб чиқилиб, энг муносибига фестивалда қатнашиш имконияти берилиди. Жанубий Корея, Россия, Грузия, Хитой, Хиндистон ва бошқа бир қатор давлатлар вакиллари учун ҳам ана шундай ўзига хос саралаш ўтказилди.

Хозир Самарқанд шаҳрида ушбу тадбирини кўтаришни руҳда ўтказишга қаратилган кенг қўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Гулмуладан, йиғма конструкцияли сахна ва амфитеатр қурилиши яқунлиб, кенг ободонлаштириш ишлари амалга ошириляёттир. Натижада афсонавий шахар хуснига хусн, кўриқига кўрк қўшилиб, у кундан-кунга гўзал қиёфа касб этмоқда. Айни чоғда нуфузли анжуман тадбирлари доирасида юртимизнинг турли худудларидан келадиган бадийий жамоалар иштироки, вилоятнинг туман ва шаҳарларида махсус дастурлар намойиши ҳамда санъаткорлар билан урчушулар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, бу тадбирларни ҳам юқори савияда ўтказиш учун қизгин тайёргарлик қурилмоқда.

Шу ўринда юртимиз санъаткорларининг мазкур нуфузли му-

сиқа ва санъат анжуманида муносиб иштирок этиб келаётганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Бир қатор истеъдодли санъаткорларимизнинг голиблар сафидан мий олгани хали-ҳамон қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдириб келмоқда. Зеро, бу жаҳоннинг энг кучли мутахассислари томонидан миллий музикамиз ва санъаткорларимизнинг ихрочилик маҳоратига берилган юксак баҳодир.

— Юртимизда санъат аҳли учун кенг имкониятлар яратилгани хорижликларни хайратга солади, — дейди «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали Гран-приси соҳиби Насиба Сатторова. — Шукрки, истиқлол бизга ушбу неъматни берди. Гран-прини қўлга киритганимизда кўпроқ шулар ҳақида ўйладим. Кейинги йилларда ҳам санъаткорларимиз фестивал голиблари қаторидан мунтазам шў эгалаб келишмоқда. Албатта, бу юртимизда миллий музика санъатини янада ривожлантириш борасида амалга ошириляётган санъаткорлар ҳамда биз, санъаткорларга кўрсатилаятган юксак эътибор ва гаҳмўрлик самарасидир. Яқинда ўтказилаётган навбатдаги фестивал ҳам санъаткорларимизга кучгайрат улашишига ишонамиз.

Хуллас, «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали дунёнинг энг иштирокчи музика санъати ихрочиларини кўнча ва ҳамиса навқорон Самарқанд шаҳрига яна қорламмоқда. Тез орада етти иқлимдан келган санъаткорларнинг энг сара миллий музика асарлари Регистон майдонида баралла янграйди. Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик тўйи арафасида ўтказилаётган бу халқаро музика анжумани юртимизга байрам кайфияти, қалбларимизга эса кўтаришни руҳ олиб кириши, шубҳасиз. Зотан, озода ва обод юртга куй-қўшиқлар, байрам шодияналар ярашади.

Зокир ХУДОЙШУҚРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида ҳеч бир халқ музика маданияти дунёдаги бошқа давлат ёки халқларнинг музика мероси аралашувисиз ривожлана олмайди. Шу боисдан ушбу мақсадга хизмат қилиб келаётган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалида иштирок этишни истаётган давлатлар, бадийий жамоалар ва яққохон ихрочилик сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу гал Бруней, Ирландия, Норвегия, Чехия каби давлатлар санъаткорлари биринчи марта иштирок этиш истогини билдиргани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Кулайлик

Урганч туманидаги Чатқўпир қишлоғи аҳолиси ўзларига яратилган яна бир кулайликдан баҳраманд бўлишди.



«Асака» банки:

ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚ ЛОЙИҲАСИ АНИҚЛАНДИ

Муҳташам мажмуа

Қишлоқдаги «Дарғалар» фермер хўжалиғи раҳбари Баҳодир Матқурбонов ташаббуси билан худудда маросимлар ўтказишга мўлжалланган қишлоқ мажмуа фойдаланишга топширилди. Бунинг учун фермер 150 миллион сўм сарфлади. Шунингдек, бу ерда бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам иш бошлади. Натижада 10 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқорор ривожланиши, қўлаб янги иш ўринларини яратилиб, аҳоли бандлиғи масаласи ҳал этилиши ҳамда уларнинг турмуш даражаси юксалишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган. Шу боис давлатимиз томонидан мазкур соҳани ривожлантиришга янада жиёдий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2011 йил юртимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб Эълон қилинган бунинг яққол тасдиғидир.

бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказ-

лашдаги ҳиссаси каби жиёқталарга қаратилди.

Танлов якунига кўра, иштирокчилар орасидан қуйидагилар голиб, деб топилди:

Реклама ва эълон

— Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди, — дейди Янқикўрғон туманидаги «Тиллаҳон» хусусий корхонаси раҳбари Одибек Бурханов. — Биз ҳам ундан оқилона фойдаланиб, истиқлолнинг илк йилидаёқ нон ва нон махсۇлотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизни ташкил этдик. Тадбиркорлик фаолиятимизни тўла йўлга қўйиб, муваффақиятларга эришишимизда «Асака» банкининг кўмағи катта бўлди. Эндиликда банкнинг имтиёзли кредитини олиб, ишлаб чиқариш суръатини янада оширамиз.

Умуман олганда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг изчил ихросини таъминлаш бўйича «Асака» банки томонидан амалга ошириляётган чора-тадбирлар натижада 2011 йилнинг биринчи ярмида миллий валютасида 231,4 млрд. сўм ва хорижий валютасида 3,4 млн. АҚШ доллари миқдорига кредитлар ажратилиб, лизинг хизматлари кўрсатилди. Бунинг ҳисобида 5179 та иш ўрни яратилди.

Банк сармоялари юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш қўшмаҳкамларини ташкил қилиш, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириляётгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Банк ахборот хизмати.

Спорт

Козогистонда трамполин бўйича ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз спортчиларини намойиш этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

Ака-ука совриндорлар

Россия, Қозогистон ва Ўзбекистон каби мамлакатлардан 70 нафардан зиёд спортчи иштирок этган мазкур мусобақада наманганлик Хусанбой Жонибеков батутда сакраш бўйича олтин медал соҳиби бўлди. Унинг укаси Шавкат Жонибеков эса йўлакда сакраш баҳсларида бронза медали билан тақдирланди.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий жиёқатдан қўлаб-қувватлаш жараёнида республика тижорат банкларининг иштирокчини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки кичик бизнес субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштиришга устувор вазиёфалардан бири сифатида қараб, сармояларнинг салмоқли қисмини шу соҳага йўналтираётган. Натижада замонавий корхоналар сони ой сайин кўпайиб, улар ички бозорини импорт ўрнини босувчи махсۇлотлар билан тўлдирюшга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дарҳақиқат, банк томонидан тадбиркорларни молиявий раббатлантириши, сифатли хизматлар кўрсатиш борасида бир қатор тадбирлар амалга ошириляётгани айни муддао бўлаяпти. «Кичик

1-ўрин — «Асака» банкининг Қўқон филиали мижози «Сохибқор Тоғай» фермер хўжалиғи лойиҳаси;

2-ўрин — «Асака» банкининг Наманган вилояти филиали мижози «Тиллаҳон» хусусий корхонаси лойиҳаси;

3-ўрин — «Асака» банкининг Сурхондарё вилояти филиали мижози «Абдурайим Тўраев» хусусий фирмаси лойиҳаси.

Танлов голиблари имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

— Банкларни бежизга иқтисодиётнинг қон томирига қиёслашмайди, — дейди танлов голиби, Ўзбекистон туманидаги «Сохибқор Тоғай» фермер хўжалиғи раҳбари Ўткир Сатторов. — Сабаби, улар ўз молиявий хизматлари билан иқтисодиётимизни ривожини жадаллаштирадиган

умумли фойдаланиб келмоқда. Танловда голиб чиққанлигимиз биз учун айни муддао бўлди. «Асака» банкидан имтиёзли шартларда олинган кредитни фаолиятимизни кенгайтириш, қайта иш-лашни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш каби хайрли юмушларга сарфлаймиз.

«AGRI PARTS OSIYO»

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёнгарчилик кузатилмайди. Ёнгарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнгарчилик бўлмайди. Харорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво булутли бўлади, ёнгарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик қутилмайди. Тунда 17-22,

Қандузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёнгарчилик кузатилмайди. Харорат тунда 18-20, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ОБ-ҲАВО (27 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво булутли бўлади, ёнгарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнгарчилик бўлмайди. Харорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик қутилмайди. Тунда 17-22, қандузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёнгарчилик кузатилмайди. Харорат тунда 18-20, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятда келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамдод.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Шерматов.
Мусаҳҳир — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40
Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5